

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАМАНОВА САЛОМАТ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

ГИЛОС (*CERASUS AVIUM*) ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ МИКРОКЛОНАЛ
КУПАЙТИРИШ ВА МИКРОПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

УЎТ:634.58.085:581.165.7

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
по сельскохозяйственным наукам

Contents of abstract of doctoral dissertation (DSc)

Абдураманова Саломат Худайбергеновна

Гилос (*Cerasus avium*) пайвандтагларини микроклонал кўпайтириш ва
микропайвандлаш технологиясини илмий асослаш..... 3

Абдураманова Саломат Худайбергеновна

Научное обоснование технологии микроклонального размножения и
микропрививки подвоев черешни (*Cerasus avium*)..... 27

Abduramanova Salomat Khudaybergenovna

Scientific justification of micropropagation and micrografting technology of
cherry rootstocks (*Cerasus avium*)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04-РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАМАНОВА САЛОМАТ ХУДАЙБЕРГЕНОВНА

ГИЛОС (*CERASUS AVIUM*) ПАЙВАНДТАГЛАРИНИ МИКРОКЛОНАЛ
КЎПАЙТИРИШ ВА МИКРОПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИЛМИЙ АСОСЛАШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Qx251 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация авторефератини (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.idau.uz) ва «ZiyoNet» Аxbopот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Исламов Соҳибжон Яхшибекович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Бўриев Хасан Чутбоевич биология фанлари доктори, профессор Нормуратов Илхом Турғунович кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Муродова Сайёра Собировна биология фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc 05/29.04.2022.Qx.13.04-рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 9 август, соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзили: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маммурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Аxbopот-ресурс марказида танишиш мумкин (549069-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзили: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Аxbopот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 28 июл куни тарқатилди.
(2023 йил 24 июлдаги 45-рақамли реестр баённомаси).



Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З.Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А.Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссиясидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича жами 65 та мамлакатда ҳар йили умумий ҳисобда ўртача 9 млрд тонна гилос етиштирилади. Бу борада “Туркия–800 минг тонна, АҚШ – 448 минг тонна, Россия – 273 ва Эрон–250 минг тонна етиштириб етакчилик қилаётган бўлса, сўнгги йилларда Ўзбекистон ялпи гилос етиштириш ва экспорт ҳажми бўйича кучли бешталikka киришга муваффақ бўлди¹. Гилос ўсимлигининг ҳосилдорлиги бугунги кунда 254 минг т/га ш ташкил қилиб, дунёнинг гилос етиштирувчи аксарият мамлакатларида унинг ҳосилдорлигини юқори даражада ошириш имконини берувчи паст бўйли янги нав ва пайвандагларини яратиш, интенсив гилос боғлари учун энг самарали агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Жаҳонда гилос (*Cerasus avium*) етиштириш бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларнинг барчасида данакли мевали ўсимликнинг боғлари тўлиқ интенсив боғлар барпо этилмоқда. Гилос кучли ўсувчи мевали ўсимлик бўлганлиги учун, унинг интенсив боғлари фақатгина кучсиз ўсувчи пайвандагларда ўстирилган кўчатларни тақозо этади. Дунёда интенсив гилос боғларида фойдаланилаётган Gisela, Махма-14, Colt каби кучсиз ўсувчи пайвандагларини фақат *in vitro* шароитида кўпайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу пайвандаглар учун оптимал озуқа муҳитини танилаш, пайвандагларга навларни микропайвандаш, микропайвандашдан ўсимликларни ташқи муҳит шароитларига мослаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали юқори сифатли гилос кўчатлари етиштириш ва уларнинг таннархини пасайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида интенсив гилос боғларини барпо қилиш, унинг юқори сифатли кучсиз ўсувчи кўчатларини мамлакатнинг ўзида етиштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо, интенсив боғлар учун мўлжалланган гилос пайвандагларининг барчаси хорижий келиб чиқиш тавсифига эга бўлганлиги сабабли, уларни кенг ишлаб чиқариш энг замонавий технологияларни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги “Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да фармонининг 30-мақсадида “кишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, кишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш² муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Бунинг учун қисқа муддат ичида касаллик ва зараркунандалардан холи минглаб, миллионлаб соғлом клон пайвандаглар олиш имконини берувчи *in vitro* шароитидан фойдаланиш, экшлантлар учун оптимал озуқа муҳитини танилаш, уларни ташқи муҳит

¹FAO STAT 2020

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.

шароитларига мослаштиришнинг макбул усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 24 августдаги ВМ-504-сон «Кишлоқ хўжалиги экинларининг йўқолиб кетил хавфи остида бўлган ноёб белгилли ва хусусиятларига эга маҳаллий навларни қайта тиклаш ва уларнинг оригинал уруғчилигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Кишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Дунёда интенсив гилос боғларини барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи пайвандтагларни *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш ва микропайвандлаш технологияси асосида сифатли, соғлом ҳамда пакана ва ярим пакана кўчатлар етиштириш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида жумладан, Jahangirnagar University (Бангладеш), ICAR-National Bureau of Plant Genetic Resources (NBPGR, Ҳиндистон), Asia-Pacific Consortium Agricultural Biotechnology and Bioresources (APCoAB, Bangkok), Mahidol University (Таиланд), University of Cheikh Anta DIOP (Сенегал), Anand Agricultural University (гужарат, Ҳиндистон), National Agriculture Research Institute (NARI, янги Гвинея) Institute of Plant Biology and Biotechnology (Қозоғистон), академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Гилос (*Cerasus avium*) мевалари асрлар давомида энг севиб истеъмол қилиб келинадиган маҳсулотлардан биридир. Ўрта иклими шароитларда ўсувчи мевалар орасида гилос мевалари ўзининг шаклу-шамоли, ёрқин товланувчи кўриниши, ўта ширин мазаси, ўзига жалб қилиш хусусияти билан бутун дунё истеъмолчилари назарига тушганлиги билан бошқа мевалардан кескин ажралиб туради. Дунё бўйича гилос 65 та мамлакатда етиштирилмоқда. Гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтаг ва кўчатларига ҳамда мевасига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳосилдорлиги 10 ёшли кўчатда 60-65 кг ни ташкил этади.

Дунёда гилоснинг пайвандтаг ва навларининг *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш ва микропайвандлаш технологияси бўйича устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: клонал кўпайтириш

учун оптимал озуқа муҳитини танлаш, пайвандтаг ва пайвандустнинг ўзаро мутаносиблик, номутаносиблик шароитларини аниқлаш, ташки муҳитга иклимлаштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқишни ҳамда интенсив боғларга пакана кўчатларни етиштириб беришни ташкил этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гилоснинг пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириб, микропайвандлаш асосида кўчат етиштириш технологиясининг самарали элементларини ишлаб чиқиш бўйича L.Navarro, J.Driver, N.Baydar, K.M.Bhatt, D.Bosnjakovic, J.M.Dcogratias, M.H.Edriss, D.W.Burger, A.Ghorbel, H.S.Grewal, S.A.Hassanen, R.Jonard, A.Starrantino, E.K.Toth, H.C.Wu, E.M.Nauer, Sharma S, P.P.Шредер, М.М.Мирзаев, Х.Ч.Бўриев, Р.М.Каримов, А.У.Аришов, З.А.Абдикаюмов каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, республикада гилоснинг пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида клонал кўпайтириш ҳамда микропайвандлаш технологияси бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлари режасининг №ҚХ-ЁА-КХ-2018-151 - «Истикболли гилос пайвандтагларини *in vitro* усулида кўпайтириш ва микропайвандлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2019 йиллар) ёш олимлар амалий лойиҳаси ва №UZB-Ind-2021-84 «Ўзбекистон ва Ҳиндистондаги ўсимлик генетик ресурсларини бойитиш ва тадқиқотчилар илмий салоҳиятини ошириш» (2021-2023 йиллар) халқаро ҳамкорлик амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гилоснинг (*Cerasus avium*) интродукция қилинган пайвандтагларини микроклоналаш ва *in vitro* шароитида микропайвандлаш учун оптимал озуқа муҳитини танлаш ҳамда мутаносиблик, номутаносиблик шароитларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:
гилоснинг интродукция қилинган пайвандтаг ва навларининг эксплантларини стериллашнинг оптимал муддатини аниқлаш;
эксплант учун оптимал озуқа муҳитини танлаш;

гилос меристемасидан хужайраларни кўпайтириш ва эксплантларнинг ўсиб ривожланишини аниқлаш;

гилосни *in vitro* шароитида пайвандтагларга навларни микропайвандлашда мутаносиблик ва номутаносиблик шароитларини аниқлаш;

ёш ниҳолларни *in vivo* шароитида турли хил субстратларда ўсиб ривожланиши ва мослашиш жараёнларини кузатиш;

микропайванд қилинган гилос ўсимлигининг морфологик кўрсаткичларини аниқлаш;

гилос кўчатларини томчилатиб сугоришда сув сарфини ва минерал

ўғитларни қўллаш меъёрини аниқлаш;

in vitro шаронтида микропайвандланган гилос навларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти гилоснинг интродукция қилинган кучсиз ўсувчи Крымский-5, Gisela-5, Gisela-6, Colt пайвандтаглари, пайвандуст сифатида Баҳор, Воловье сердце, Ревершон, Кара гелес ва Пушки Наполеон навларининг апикал меристемаси ҳамда поя қисмлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети гилос пайвандтаг ва навларини *in vitro* шаронтида микроклонал кўпайтиришда фойдаланилган озуқа муҳити турлари, унинг таркибидаги ўстирувчи моддалар ва уларнинг концентрацияси ҳисобланган.

Тадқиқот усуллари. Тажрибалар Ж.Драйвернинг «Лаборатория шаронтида тўқималар ва ҳужайралардан сунъий (пробирка)да ўстириш» номли услубий қўлланмаси, L.Navarro нинг “Shoot-tip grafting *in vitro*” қўлланмаси, Х.Ч.Буриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор-мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблаш ва фенологик кузатувлар методикаси», В.Л.Витковскийнинг «Изучение динамики роста побегов, формирование почек и цветков у плодовых растений» номли услубий адабиётида келтирилган тавсиялар асосида олиб борилган, барг сатҳи П.Л.Феклистов, В.В.Худяковнинг «Практикум по физиологии растений», баргдаги хлорофилл микдори Nayek Sumanta ва бошқаларнинг “Spectrophotometric Analysis of Chlorophylls and Carotenoids from Commonly Grown Fern Species by Using Various Extracting Solvents” услуби, тушроқнинг кимёвий таҳлили Н.Б. Раупова ва бошқаларнинг «Тупроқшунослик» фанидан лаборатория машгулотлари учун услубий қўлланмаси, боғни томчилатиб суғориш ва ўғитлаш С.А. Мамаговнинг “Мевали дарахтларни томчилатиб суғориш режими” бўйича тавсиялари, иқтисодий самарадорлик И.Б.Рустамова ва бошқаларнинг «Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари» қўлланмасида келтирилган услублар бўйича ҳисобланган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилиқ оралиғи билан Б.А.Доснехов кўрсатган услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда гилоснинг кучсиз ўсувчи Крымский-5, Gisela-5, Gisela-6, Colt пайвандтаглари ва Баҳор, Воловье сердце, Ревершон, Кара гелес ва Пушки Наполеон навларини *in vitro* шаронтида клонал кўпайтириш учун эксплантларни стериллашнинг оптимал муддати аниқланган;

эксплантларни ўстириш учун DKW (Драйвер ва Кунноки) озуқа муҳити оптимал озуқа муҳит эканлиги аниқланган;

пайвандтаг ва навларни микроклонал новдалар кўпайтириш учун ўстирувчи моддалар NAA - 0,02 мг/л ва TDZ - 1,50 мг/л таъсирида энг кўп новдалар ҳосил қилиш кўрсаткичи аниқланган;

in vitro шаронтида гилос пайвандтаглари истикболли навларга микропайванд қилинганидапайванд мутаносиблиги 72% ни ташкил қилиши аниқланган;

микропайванд қилинган ёш ниҳолларни иқлимлаштиришда ҳаво ҳарорати 25⁰С ни ёруглик 6000-6500 люксда “Агробалт-С” субстратида яхши ўсиб ривожланиши аниқланган;

гилос кўчатларини томчилатиб суғоришда сув сарфи 1250 м³ ни ва минерал ўғитларни N₇₅P₆₀K₄₀ (соф ҳолда) 3 хил муддатда беришнинг мақбул меъёри аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гилоснинг Крымский-5, Gisela-5, Colt пайвандтаглари ва Баҳор, Кара гелес қа Ревершон навларини кумуш нитрат (AgNO₃)нинг 0,1% эритмасида 20 дақиқа стерилланганида яшаб қолган курткалар 82,2% ни ташкил қилиши билан энг яхши стериллаш воситаси эканлиги аниқланган;

гилоснинг Воловье сердце, Баҳор ва Кара гелес навларида муртак бўртиши ва муртакланишининг энг самарали кўрсаткичи DKW озуқа муҳитидаги гормонлар TDZ-0,5 мг/л ва mT-1,0 мг/л таъсирида навларнинг муртак бўртиши 11-14 кунни ва муртакланиш 90,6% ни ташкил қилиши билан аниқланган.

Крымский-5 ва Colt пайвандтагларининг турли концентрациядаги гормонлар таъсирида новдалар ҳосил қилишининг юқори кўрсаткичи, DKW озуқа муҳитида гормонлар BAP - 0,30 мг/л ва GA₃ - 0,10 мг/л таъсирида новдалар узунлиги 2,60 см ни ташкил қилиши кузатишган.

in vitro шаронтида самарали микропайвандлаш гилоснинг Крымский-5 пайвандтағни Ревершон навига искана пайванд қилиш усули билан микропайванд қилинганда яшовчанлик кўрсаткичи 75% ни ташкил қилиши аниқланган;

гилоснинг Gisela-6 пайвандтағини Кара гелес нави билан MS +гормонлар mT - 0,10 мг/л ва IBA - 0,01 мг/л таъсирида микропайванд қилинганда, пайванд мутаносиблиги 72% ни ташкил қилиб, энг яхши микропайванд уйғунлиги деб топилган.

гилоснинг Ревершон нави учун энг яхши илдиз олиш кўрсаткичи, DKW озуқа муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 2 мг/л гормонлар таъсирида навларнинг илдизлар сони 4,53 донга, илдизчалар узунлиги 4,58 смни ва илдизланиши 84% ни ташкил қилиши аниқланган;

гилос боғини бир мавсум давомида томчилатиб суғорилганда умумий сув сарфи меъёри 1250 м³ ни ташкил қилиб, 10 тонна гўнг ва минерал ўғитларни N₇₅P₆₀K₄₀ (соф ҳолда) 3 хил муддатда бериш орқали, берилган ўғитлар фақат гилос кўчатининг ўзига берилгани учун кўчатларнинг ўсиб ривожланиши яхши бўлиши аниқланган.

in vitro шаронтида микропайванд қилинган гилос навлари очик далага кўчириб ўтказилганда 90,0-95,0% гача тутиб кетиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-

тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, ишновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гилоснинг пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида кўпайтириш оптимал озуқа муҳити танланганлиги, пайвандтаг ва навларни стериллаш, клонал кўпайтириш, пайвандтагга навларни микропайвандлаш, микропайванд қилинган микроўсимликларнинг мутаносиблик ва номутаносибдик шароитлари аниқланганлиги, микроўсимликларни илдиз оддириш ва ностерил ташқи муҳитга мослаштиришнинг самарали усули такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *in vitro* шароитида касалликлардан холи соғлом кўчатларни интенсив кўпайтириш имкониятининг асосланганлиги, клонал кўпайтириш учун феврал-март ойларида куртак олиш, оптимал озуқа муҳити ва унинг самарали таркиби аниқланганлиги, микропайванд қилинган ўсимликларни томчилатиб сугоришда умумий сув сарфи меъёри ҳамда ўсимликларнинг генетик жиҳатдан бирхиллиги сақлаб қолиниши исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гилос пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтириш, микропайвандлаш учун оптимал озуқа муҳитларини танлаш ва ёш ниҳолларни ташқи муҳитга мослаштириш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

пайвандтагларни *in vitro* шароитида кўпайтириш учун оптимал озуқа муҳити тури, пайвандтагларни стериллаш, микроклонал кўпайтириш, илдиз оддириш ва ностерил ташқи муҳитга мослаштиришнинг самарали усули академик М.Мирзасев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг «Биотехнология» лабораториясида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 июлдаги 05/23-06/657-сон маълумотномаси). Натижада данакли мева ўсимликлари пайвандтагларини *in vitro* шароитида клонал кўпайтиришда таянч ишлама сифатида хизмат қилмоқда;

гилоснинг *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтирилган вируссиз Кримский-5, Gisela-5, Gisela-6, Colt пайвандтаглари 2019-2022 йиллар Андижон вилоятида 1,0 гектарга, Самарқанд вилоятида 2,0 гектарга, Сурхондарё вилоятида 1,0 гектар ва *in vitro* шароитида микропайванд қилинган гилоснинг Баҳор, Воловьє сердце, Ревершон, Кара гелес ва Пушти Наполеон навларини Тошкент вилоятида 10 гектарга жами 14 гектар майдонда барпо этилган интенсив боғларга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 4 июлдаги 05/23-06/657-сон маълумотномаси).

Натижада боғдорчиликта ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари учун пакана ва ярим пакана пайвандтаг ва кўчатлар етиштириб, интенсив боғлар барпо қилишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда битта монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «Гилос пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида микроклонал кўпайтиришнинг назарий асослари ва амалий аҳамияти» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва мамлакатимиз алоҳида тадқиқотчиларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Гилос пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида турли ҳил озуқа муҳитларида клонал кўпайтириш ҳамда микропайванд қилишнинг назарий ва амалий асослари, *in vitro* шароитида микропайванд қилинган гилос эксплантлари пайванд мутаносиблиги ва номутаносиблик шароитлари, илдиз тизимининг шаклланишида гормонларнинг таъсири, гилоснинг *in vitro* шароитида кўпайтирилган пайвандтаг ва навларини *in vivo* шароитида иқлимлаштириш усуллари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити, дастури ва услублари» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан лаборатория ва дала тажрибалари олиб борилган жойнинг туپроқ-иклим шароити ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Шунингдек,

ушбу бобнинг «Тадқиқот дастури ва услублари» деб номланган бўлимида лаборатория ва дала тажрибаларитаҳлилларини олиб бориш услублари, тажрибадаги микропайванд қилинган гилос ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «Гилоснинг пайвандтаг ва навларини *in vitro* шароитида кўпайтириш технологияси» деб номланган учинчи бобида республикага сўнгги йилларда хориждан интродукция қилинган гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтагларини ва гилос навларини *in vitro* шароитида стериллаш, озука муҳитларини танлаш, эксплантларни културага киритиш интенсивмикрোকлонал кўпайтириш юзасидан олиб берилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Истикболли гилос пайвандтагларининг эксплантларини танлаш ва юза стериллаш» деб номланган бўлимида тадқиқот объекти сифатида олинган пайвандтаг ва навларнинг куртакларидан эксплант материалларни ажратиб олиш ва уларни стериллаш ўрганилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, гилос пайвандтаг ва навларини стериллаш учун гилоснинг Gisela-5 ва Gisela-6 пайвандтагларини 0,1 фоизли NaOCl эритмасида 10 ва 20 дақиқа давомида стерилланганда културага киритилган эксплантлар сони 30 дона, зарарланган куртаклар 19,7% бўлиб, яшаб қолган куртаклар 80,3% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан яшаб қолган куртаклар 21,7% юқори бўлиши кузатилди.

Воловьё сердце навини 0,1% ли NaOCl эритмасида 20 дақиқа стерилланганда културага киритилган куртаклар сони 30 дона, зарарланган куртаклар 17,9% ва яшаб қолган куртаклар 82,1% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан яшаб қолган куртаклар 32,4% га юқори эканлигини қайд этилди.

Гилоснинг Ревершон навини 0,1% ли AgNO₃ эритмасида 10 дақиқа стерилланганда културага киритилган куртаклар сони 30 дона, зарарланган куртаклар 61,9%, яшаб қолган куртаклар 38,1% ни ташкил қилди.

Гилоснинг Баҳор, Воловьё сердце, Кара гелес ва Пушти Наполеон навларини 0,1% ли AgNO₃ эритмасида 20 дақиқа стерилланганда културага киритилганда зарарланган куртаклар 17,8%, яшаб қолган куртаклар 82,2% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан яшаб қолган куртаклар 51,7% га юқори эканлигини аниқлаиб, энг яхши стерилловчи эканлиги қайд этилди.

«Гилос пайвандтаг ва навларини културага киритиш» деб номланган бўлимида пайвандтаглар учун турли хил озука муҳитларида BAP, Kin ва GA₃-05, ва 1,0 мг/л ва навлар учун BAP, mT, TDZ – 0,5, ва 1,0 мг/л ўсишни бошқарувчи моддалар таъсирида културага кирган гилоснинг пайвандтаг ва навлари эксплантларининг муртак бўртиши ва муртакланиш фойзиди, қайта културалаш босқичлари келтирилган (1-расм).

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, турли хил озука муҳитларида културага кирган гилос пайвандтаг ва навларининг муртак бўртиши ва муртакланишининг энг самарали кўрсаткичи, Баҳор, Воловьё сердце ва Кара

гелес навларини DKW озука муҳитидаги гормонлар TDZ–0,5 мг/л ва mT –1,0 мг/л таъсирида навларнинг муртак бўртиши 11-14 кунни ва муртакланиш 90,6% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан нав 3 кунга эрта муртак бўртди ва муртакланиш 23,2% га юқори бўлган.



1-расм. Гилос пайвандтагларини културага киритиш (а) ва IV қайта экишда кўпайиш жараёни (б)

Гилоснинг Баҳор навининг муртакланишига турли таркибли озука муҳитлари ва гормонлар таъсири ўрганилганда, нав MS назорат озука муҳитидаги ўстирувчи моддалар TDZ–1,0 мг/л ва mT –0,5 мг/л таъсирида муртак бўртиши 15-16 кунни ҳамда муртакланиш даражаси 78,3% ни ташкил қилди.


Ҳар хил озука муҳитларида културага кирган гилоснинг эксплантларининг яхши ўсиб ривожланиши учун қайта экишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ўтказилган тажрибаларда олинган эксплантларни қайта экишга киритиш натижасида янги ҳосил бўлган ўсимталар аввалгиларга қараганда тез ривожланиши билан фарқланди.

Гилос пайвандтагларини қайта экишга тўрт маротаба ўтказилганда Gisela-5 ва Colt пайвандтагларини қайта экишда MS_{так} озука муҳитида пайвандтагларнинг кўпайиш нисбати 1:10, новда узунлиги 7,0 см, барглар 16 дона ва илдиз олиши 70% ни ташкил қилиши қайд этилди.

Воловьё сердце нави MS_{так} озука муҳитида I қайта экишда навнинг кўпайиш 1:4, новда узунлиги 4,8 см, барглар 9,3 дона ва илдиз олиши 5% бўлиб, IV қайта экишда навнинг кўпайиш нисбати 1:14, новда узунлиги 8,8 см, барглар 18,3 дона ва илдиз олиши 73% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан IV қайта экишда навнинг кўпайиши 0,3 донага, новда узунлиги 0,8 см, барглар 2,3 дона ва илдиз олиши 6% га юқори бўлиши кузатилди.

Гилоснинг Пушти Наполеон навини тўрт марта қайта экишда DKW озука муҳитида қўнайиш нисбати 1:13, новдалар узунлиги 9 см, барглар сони 14 донга ва илдиз олинги 85% ни ташкил қилиши билан энг самарали кўрсаткич эканлиги кузатилган.

«Гилос эксилантлари учун оптимал озука муҳити танлаш» деб номланган бўлимида гилос пайвандтаг ва навларининг эксилантларини *in vitro* шароитида интенсив клонал қўнайитириш учун озука муҳитини танлаш ва унинг таркибини оптималлаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, инкубаторда гилос пайвандтаг ва навларининг ўсиб ривожланиши кузатиладганда, Кара гелес нави DKW ва MS_{так} озука муҳитларида ўсиш узунлиги 25-февралда 2,3 см, 2-мартда 2,7 см ва 12-мартда 3,6 см ни ташкил қилиб, назорат вариантига нисбатан 0,7 см юқори бўлган (2-расм).



2-расм. Инкубаторда гилос навларининг ўсиш узунлиги, см(2019-2022 й.й.)

MS_{так} озука муҳитида Воловьё сердце нави 20-февралда 1,8 см, 2-мартда 2,5 см ва 12-мартда 3,3 см гача ўсиб, назорат вариантига нисбатан навларининг ўсиш узунлиги 0,3 см га паст бўлиши кузатилди. Гилоснинг Пушти Наполеон нави учун энг самарали ўсиш узунлиги MS_{так} озука муҳитида бўлиб, 15-февралдан 12-мартгача ўрганилганда 3,7 см гача ўсиши билан ажралиб чиқди.

«Ўстирувчи моддалар таъсирида гилос эксилантларини новдалар ҳосил қилиши» деб номланган бўлимида гилос пайвандтагларини новдалар ҳосил қилишида MS назорат, DKW, MS_{так} ва WPM озука муҳитларида ўсишни бошқарувчи моддалар IBA - 0,01 ва 0,02 мг/л, BAP-0,25, 0,30, 0,50, 0,75 ва 1,0 мг/л ҳамда GA₃-0,10 ва 0,20 мг/л ва навларини BAP-0,30, 1,0 мг/л, TDZ - 0,50, 1,0 ва mT - 0,20, 0,30, 0,50 ва 1,0 мг/л таъсирида ўрганилган.

1-жадвал

Гилоснинг Реврион навининг новдалар ҳосил қилишга турли таркибли ва концентрацияли ўстирувчи моддаларнинг таъсири, 2019-2022 й.й.

Ўстирувчи моддалар, мг/л	MS (назорат) озука муҳити + ўстирувчи модда		DKW озука муҳити + ўстирувчи модда		MS такомиллашган озука муҳити + ўстирувчи модда		WPM озука муҳити + ўстирувчи модда	
	новдалар қўнайиш нисбати	новдалар узунлиги, см	новдалар қўнайиш нисбати	новдалар узунлиги, см	новдалар қўнайиш нисбати	новдалар узунлиги, см	новдалар қўнайиш нисбати	новдалар узунлиги, см
BAP - 0,50	1:2	0,36±0,02	1:3	0,53±0,02	1:2	0,57±0,01	1:1	0,17±0,01
-	1:2	0,34±0,01	1:3	0,71±0,03	1:3	0,57±0,02	1:2	0,26±0,01
0,50	1:3	1,16±0,02	1:4	1,51±0,02	1:5	1,58±0,02	1:3	0,9±0,01
1,0	1:3	1,15±0,02	1:4	1,7±0,02	1:5	1,65±0,01	1:2	0,58±0,01
1,0	1:4	1,25±0,01	1:5	1,85±0,01	1:5	1,29±0,02	1:3	0,76±0,02
0,30	1:2	0,48±0,02	1:4	0,51±0,02	1:2	0,8±0,01	1:3	0,37±0,01
-	1:4	0,88±0,02	1:4	0,83±0,02	1:4	0,75±0,02	1:3	0,36±0,01
1,0	1:2	0,4±0,01	1:4	0,62±0,01	1:3	0,53±0,01	1:3	0,37±0,01
-	1:3	0,75±0,02	1:3	0,89±0,01	1:3	0,73±0,02	1:2	0,49±0,02
1,0	1:4	1,14±0,02	1:5	1,45±0,01	1:4	1,14±0,02	1:2	0,94±0,01
0,30	1:0	1,12±0,02	1:5	1,89±0,01	1:5	1,92±0,01	1:3	1,1±0,01
-	1:5	1,17±0,01	1:6	2,57±0,01	1:6	2,13±0,02	1:4	1,31±0,02
0,50	1:0	1,17±0,03	1:4	1,57±0,02	1:5	1,5±0,03	1:4	1,15±0,01
1,0	1:0	2,21±0,02	1:6	2,88±0,02	1:6	2,25±0,03	1:3	1,06±0,03
ЭКФ05	-	0,05	-	0,05	-	0,05	-	0,04
ЭКФ%	-	5,5	-	3,3	-	3,9	-	5,8

Тадқиқот натижаларига кўра, Крымский-5 пайвандтаги учун энг самарали новдалар кўпайиш кўрсаткичи DKW озука муҳитида ўсишни бошқарувчи моддалар BAP-0,30 мг/л ва GA₃ -0,10 мг/л таъсирида новдалар узунлиги 2,60 см ни ташкил қилиши билан аниқланди.

Ревершон нави 3-вариант MS_{так} озука муҳитидаги ўсишни бошқарувчи моддалари BAP-0,30 мг/л ва TDZ - 1,0 мг/л таъсирида навнинг новда кўпайиш нисбати 1:5 ва новдалар узунлиги 1,92 см бўлиб, TDZ -0,50 мг/л ва mT - 1,0 мг/л таъсирида навнинг новда кўпайиш нисбати 1:6 ва новдалар узунлиги 2,13 см ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг новда кўпайиш нисбати 0,1 донга ва новдалар узунлиги 0,96 см юқори эканлиги қайд этилди (1-жадвал).

MS_{так} озука озука муҳитидаги ўстирувчи моддалар NAA - 0,02 мг/л ва TDZ - 1,50 мг/л таъсирида Ревершон навнинг новдалари 2,92 донга, новдалар узунлиги 1,85 см бўлиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг новдалари 0,39 донга кўп ва новдалар узунлиги 0,23 см га юқори бўлиши кузатишган. Кара гелес нави DKW озука муҳитидаги ўстирувчи моддалар IBA - 0,01 мг/л ва mT - 1,0 мг/л таъсирида навнинг новдалари 3,16 донга, новдалар узунлиги 1,99 см бўлиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг новдалари 0,45 донга кўп ва новдалар узунлиги 0,19 см га юқори эканлиги қайд этилди.

Гилоснинг Воловьс сердце нави учун энг самарали новда кўпайиш кўрсаткичи ва новдалар узунлиги DKW озука муҳитида ўсишни бошқарувчи моддалар BAP-1,0 мг/л ва mT - 0,50 мг/л таъсирида новдалар узунлиги 2,81 см ни ташкил қилиши билан аниқланди.

Гилоснинг Воловьс сердце нави учун энг самарасиз новда кўпайиш кўрсаткичи ва новдалар узунлиги WPM озука муҳитида ўсишни бошқарувчи модда TDZ - 0,50 мг/л таъсирида новдалар узунлиги 0,23 см ни ташкил қилиши билан аниқланди.

«In vitro шаронтида микроклонал кўпайтирилган гилос пайвандтагларига навларни микропайвандлаш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида *in vitro* шаронтида гилос пайвандтагларига пайвандуст бўлган навларни микропайванд қилиш ҳамда микропайвандлашда пайвандтаг ва пайвандуст ўртасидаги мутаносиблик ва номутаносиблик шароитлари, яшовчанлик кўрсаткичи юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг **«In vitro шаронтида пайвандтагларга навларни микропайванд қилиш»** деб номланган бўлимида *in vitro* шаронтида микропайвандлашнинг муваффақиятли амалга оширишида пайвандтаг устида пайвандустнинг жойлашуви, новда учининг ўлчами, ёруғлик, ҳарорат, озука муҳитининг таркиби, ўстирувчи моддаларнинг таъсирини ўрганилганда, Крымский-5 пайвандтаги Ревершон нави билан микропайвандлашда эксплантлар сони 20 донга, пайвандтаг узунлиги 2 см, эни 1,1 мм бўлиб, навнинг узунлиги 1,1 см ва эни 0,7 мм ни ташкил қилиб, искана пайвандаш қилиш усули билан микропайванд қилиниб, MS (Basal) озука муҳитига

ўстирувчи модда BAP - 0,001 мг/л таъсиридаги озука муҳитига экилганда яшовчанлик кўрсаткичи 75% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан яшовчанлик кўрсаткичи 33% га юқори бўлиши кузатилди (3-расм).



3-расм. Гилос навларини микропайванд қилиш (А) ва микропайванд қилинган жараёни (Б).

Giscla-5 пайвандтагини Баҳор назорат нави билан микропайвандлашда эксплантлар сони 20 донга, пайвандтаг узунлиги 2 см, эни 1,2 мм бўлиб, навнинг узунлиги 1 см ва эни 0,7 мм ни ташкил қилиб, искана пайвандаш йўли билан микропайванд қилиниб, MS (Basal) + BAP - 0,001 мг/л таъсиридаги озука муҳитига экилганда яшовчанлик кўрсаткичи 33% ни ташкил қилди.

Colt пайвандтагини Пуши Наполеон нави билан микропайвандлаш қилишда искана пайвандаш усули билан микропайванд қилиниб, MS (Basal) + BAP - 0,001 мг/л таъсиридаги озука муҳитига экилганда яшовчанлик кўрсаткичи 60% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан яшовчанлик кўрсаткичи 5% га юқори бўлиши қайд этилди.

Энг самарали микропайвандлаш гилоснинг Colt пайвандтагини Ревершон навига искана пайванд қилиш усули билан микропайванд қилинганда, MS (Basal) + BAP - 0,001 мг/л таъсиридаги озука муҳитига экилганда яшовчанлик кўрсаткичи 62% ни ташкил қилиши билан аниқланди.

«Микропайванд қилинган навларнинг мутаносиблик ва номутаносиблик шароитлари» деб номланган бўлимида микропайванд қилинган гилос навларини MS, DKW озука муҳитларига ўстирувчи моддалар mT - 0,10 мг/л ва IBA - 0,01 мг/л таъсирида микропайванднинг мутаносиблик ва номутаносиблик шароитлари юзасидан натижалар келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотларда микропайванд қилинган эксплантларда 5500 люкс ёруғликда, 21-25°C ҳароратда ва 55% нисбий намликда ўрғанилганда, Gisela-5 пайвандагини Воловье сердце нави билан MS + гормонлар мТ - 0,10 мг/л ва IBA-0,01 мг/л таъсирида микропайванд қилинганда, пайванд қилинган эксплантлар сони 20 дона, пайванд мутаносиблиги 45% ҳамда пайванд номутаносиблиги 55% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан пайванд мутаносиблиги 13% га ва пайванд номутаносиблиги 13% га юқори бўлди.

Гилоснинг Gisela-6 пайвандагини Кара гелес нави билан MS + гормонлар мТ - 0,10 мг/л ва IBA - 0,01 мг/л таъсирида микропайванд қилинганда, пайванд мутаносиблиги 72% ни ташкил қилиб, энг яхши микропайванд уйғушлиги деб тошилди.

Гилоснинг Colt пайвандагини Баҳор назорат нави билан MS + гормонлар мТ - 0,10 мг/л ва IBA - 0,01 мг/л таъсирида микропайванд қилинганда, пайванд қилинган эксплантлар сони 20 дона, пайванд мутаносиблиги 53% ҳамда пайванд номутаносиблиги 47% ни ташкил қилди.

DKW + гормонлар мТ - 0,10 мг/л ва IBA - 0,01 мг/л озука муҳити таъсирида гилоснинг Крымский-5 пайвандагини Кара гелес нави билан микропайванд қилинганда, пайванд мутаносиблиги 71% ҳамда пайванд номутаносиблиги 29% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан пайванд мутаносиблиги 33% га юқори бўлиши кузатилди (2-жадвал).

«Гилоснинг микропайванд қилинган навларини илдиз тизимининг шаклланиши» деб номланган бўлимида турли хил озука муҳитларида гилос навларини илдиз олдиринида IBA ва NAA гормонларининг таъсирида навларнинг илдизчалар сони, илдизчалар узунлиги ва илдизланиш фойизи ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, Баҳор нави 2-вариант DKW озука муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 1,5 мг/л гормонлар таъсирида илк илдизланиши 28-февралда, тўлиқ илдизланиши эса 6-мартга тўғри келиб, илдизлар сони 4,48 дона, илдизчалар узунлиги 4,15 см ва илдизланиши 91,5% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг тўлиқ илдизланиши 4 кунга эрта, илдизчалар сони 1 донага кўп, илдизчалар узунлиги 0,72 смга ва илдизланиши 37,7% га юқори эканлиги кузатилди.

MS_{тк} озука муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 1 мг/л гормонлар таъсирида навнинг илк илдизланиши 1-мартда, тўлиқ илдизланиши эса 9-мартга тўғри келиб, илдизлар сони 2,3 дона, илдизчалар узунлиги 3,4 смни ва илдизланиши 46% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан навнинг тўлиқ илдизланиши бир хил, илдизчалар сони 0,73 донага кам, илдизчалар 0,05 смга кам ҳамда илдизланиши 9,7% га юқори эканлиги қайд этилди.

Гилоснинг Ревершон нави учун энг яхши илдизланиш кўрсаткичи, DKW озука муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 2 мг/л гормонлар таъсирида навнинг илдизлар сони 4,53 дона, илдизчалар узунлиги 4,58 смни ва илдизланиши 84% ни ташкил қилиши билан аниқланди.

Кара гелес нави WPM озука муҳитида IBA - 2 мг/л ва NAA - 1,5 мг/л гормонлар таъсирида навнинг илк илдизланиши 3-мартда, тўлиқ илдизланиши 10 -мартга тўғри келиб, илдизлар сони 3,03 дона, илдизчалар узунлиги 2,7 смни ва илдизланиши 36,8% ни ташкил қилиб, назорат вариантыга нисбатан илк илдизланиш 2 кунга кеч, тўлиқ илдизланиши 3 кунга кеч, илдизчалар сони 0,50 донага кам, илдизчалар узунлиги 2,28 смга кам ҳамда илдизланиши 17% га паст эканлиги қайд этилди.

2-жадвал

Микропайванд қилинган гилос навларининг DKW + гормонлар таъсирида пайванд мутаносиблиги ва номутаносиблик кўрсаткичи

Пайвандтаг номи	Нав номи	Эксплант-лар сони, дона	Гормон концентрация -си, мг/л		Пайванд мутаносиб-лиги, %	Пайванд номутапо-сиблиги, %
			мТ	IBA		
Крымский-5	Баҳор	20	0,10	0,01	38	62
	Волове сердце	20	0,10	0,01	53	47
	Ревершон	20	0,10	0,01	73	27
	Кара гелес	20	0,10	0,01	71	29
	Пушти Наполеон	20	0,10	0,01	43	57
Gisela-5	Баҳор	20	0,10	0,01	53	47
	Волове сердце	20	0,10	0,01	57	43
	Ревершон	20	0,10	0,01	73	27
	Кара гелес	20	0,10	0,01	48	52
	Пушти Наполеон	20	0,10	0,01	52	48
Gisela-6	Баҳор	20	0,10	0,01	27	73
	Волове сердце	20	0,10	0,01	39	61
	Ревершон	20	0,10	0,01	45	55
	Кара гелес	20	0,10	0,01	53	47
	Пушти Наполеон	20	0,10	0,01	58	42
Colt	Баҳор	20	0,10	0,01	43	57
	Волове сердце	20	0,10	0,01	57	43
	Ревершон	20	0,10	0,01	63	37
	Кара гелес	20	0,10	0,01	76	24
	Пушти Наполеон	20	0,10	0,01	69	31

Диссертациянинг «Микропайванд қилинган гилос навларини *in vivo* шароитига мослаштириш» деб номланган бешинчи бобида микропайванд қилинган гилос навлари иқлимлаштириш хонасида уч хил «Агробалт-С», «Агробалт-В» торфлар ва «Биогумус» каби субстратларда ўсиб ривожланиши ва иқлимлаштириш жараёнида ҳаво ҳарорати 25°C ни ёруғлик 6000-6500° люкс ташкил қилиши юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу бобнинг «Микропайванд қилинган гилос навларининг ҳар хил субстратларда ўстириш» деб номланган бўлимида иқлимлаштириш хонасида уч хил субстратларда 10-мартдан 25-мартгача микропайванд қилинган гилос навларининг ўсиши кузатилиди. Иқлимлаштириш жараёнида ўсимликларни «Агробалт-С», «Агробалт-В» торфлар ва «Биогумус» каби субстратлар солинган полистирен кассеталарга ўтказилди ва пластик яшиқларга жойлаб иқлимлаштириш хонасида сақланди.



4-расм. Микропайванд қилинган гилос навларининг иқлимлаштириш шароитида «Агробалт-С» торфида ўсish динамикаси, 2019-2022 й.й.

Олиб борилган тажрибалар натижасига кўра, Баҳор нави DKW озука муҳитида «Агробалт-С» торфида 20-мартда 5,68 см ни ва 25-мартда 6,7 см ҳамда барглр сони 12,7 донани ташкил қилиб, энг самарали субстрат эканлиги кузатилиди.

«Агробалт-В» торфида 2-вариант DKW озука муҳитида навнинг ўсиш узунлиги 10-мартда 3,48 см ни, 20-мартда 4,33 см ва барглр сони 11,6 донани ташкил қилиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиш узунлиги 0,10 см га паст ҳамда барглр сони 0,6 донага кўп бўлди. Пушти Наполеон навининг ўсиш узунлиги «Биогумус»да 2-вариант DKW ва 4-вариант WPM озука муҳитларида 10-мартдан 25-мартгача муддатда 3,75 см гача ўсиб, барглр сони 11,7 донани ташкил қилиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиш узунлиги 0,27 см га юқори ҳамда барглр сони 0,7 донага кўп эканлиги кузатилиди.

Воловьё сердце навинг ўсиш узунлиги «Биогумус»да ўрганилганда, навнинг ўсиш узунлиги 20-мартда 3,5 см ва 25-мартда 3,58 см ни ҳамда барглр сони 7,5 донани ташкил қилди.

Навинг ўсиш узунлиги «Биогумус»да 2-вариант DKW ва 3-вариант MS_{так} озука муҳитларида 10-мартдан 25-мартгача муддатда 3,68 см гача ўсиб, барглр сони 12,0 донани ташкил қилиб, назорат вариантига нисбатан

навнинг ўсиш узунлиги 0,10 см га юқори ҳамда барглр сони 4,5 донага кўп эканлиги аниқланди.

Гилос навларини иқлимлаштиришда энг самарасиз кўрсаткич «Биогумус»да бўлиб, барча навларнинг ўсиши жуда секин бўлди. 20 кунда давомида биометрик ўлчовлар натижасида 5,58 см ни ва барглр сони 9,0 донани ташкил қилиши билан қайд этилди (4-расм).

«Микропайванд қилинган гилос навларини иссиқхона шароитида ўсиши ва ривожланиши» деб номланган бўлимида *in vitro* шароитида микропайванд қилинган гилос кўчатларини ташқи муҳитга мослаштириш учун уларни иссиқхона шароитида дастлабки ўстириш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Иссиқхонада ҳаво ҳарорати 25-27⁰C ва нисбий намлик 60-65% ни ташкил қилди.

Микропайванд қилинган гилос навларини иссиқхона шароитида ўсиш узунлиги, тана диаметри, барглр сони ва барг сатҳи ўрганилганда, MS назорат озука муҳитида ўстирилган Баҳор навининг ўсиш узунлиги март ойида 6 см ни, эни 2,2 мм, барглр сони 20 дона ва барг сатҳи 13,2 см² ни ташкил қилган бўлса, май ойида навнинг ўсиши 25,7 см ни ва эни 3,5 мм ни ташкил қилди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Ревершон нави 2-вариант DKW озука муҳитида март ойида 6 см дан май ойигача 25,2 см гача ўсиб, навнинг эни 3,7 мм, барглр сони 22,3 дона ҳамда барг сатҳи 11,6 см² гача бўлиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиш узунлиги 0,3 см га юқори ва эни 0,2 мм га паст бўлиб, барглр сони 0,6 донага кам, барг 3,6 см² га кам бўлиши қайд этилди. Воловьё сердце нави 2-вариант DKW ва 3-вариант MS_{так} озука муҳитларида март ойида 6,6 см дан май ойигача 25,4 см гача ўсиб, навнинг эни 4,0 мм, барглр сони 22,4 дона ҳамда барг сатҳи 14,2 см² гача ўсиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиш узунлиги 1,3 см га юқори ва эни 0,6 мм га баланд бўлиб, барглр сони 0,1 донага кам, барг 2,6 см² га юқори бўлиши кузатилиди.

Гилос навларини иссиқхона шароитида ўсиб ривожланиши самарасиз кўрсаткич 4-вариант WPM озука муҳитида март ойида 6 см дан май ойида 20,2 см ни ҳамда эни 3,3 мм, барглр сони 21,8 донани ва барг сатҳи 21,8 см² ни ташкил қилиши билан аниқланди.

MS_{так} озука муҳитида Пушти Наполеон навининг ўсиш узунлиги март ойида 6,5 см дан май ойигача 22,2 см гача ўсиб, навнинг эни 3,6 мм, барглр сони 23,6 дона ҳамда барг сатҳи 21,5 см² гача бўлиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиши 1,7 см га паст ва эни 0,1 мм га юқори бўлиб, барглр сони 0,5 донага кўп, барг 4,3 см² га кўп бўлиши кузатилиди.

Пушти Наполеон навининг ўсиш узунлиги 4-вариант WPM озука муҳитида апрел ойида 13,6 см дан май ойигача 22,4 см гача ўсиб, навнинг эни 3,5 мм, барглр сони 21,9 дона ҳамда барг сатҳи 20,2 см² гача ўсиб, назорат вариантига нисбатан навнинг ўсиш узунлиги 1,5 см га паст ва эни бир хил бўлиб, барглр сони 1,2 донага кам, барг сатҳи 3 см² га юқори бўлиши аниқланди.

